

«TASDIQLANGAN»

O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi
"Farmatsevtika mahsulotlari xavfsizligi markazi"
davlat muassasasi
Farmakologiya qo'mitasi

« 26 » 02 2026 г. № 3

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА POLIVALENT FAGEKO

Препаратнинг савдо номи: POLIVALENT FAGEKO

Таъсир этувчи модда (ХПН):

Дори шакли: ичга қабул қилиш учун суюқлик

Препаратнинг таркиби:

1 мл препарат қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: *S. typhimurium; S. newport; S. enteritidis; S. moscow; S. paratyphi B S. agama; S. java; Sh. flexneri* сероваров I, II, III, VI; *Sh. sonnei; Sh. boydii; Enterococcus faecalis, Proteus mirabilis; Staphylococcus aureus; Pseudomonas aeruginosa* ва *Escherichia coli*нинг турли серогуруҳ бактерияларини стерил тозаланган фаголизатларининг филтрати. Фаг титри 10^5 КХҚБ/мл дан кам эмас.

ёрдамчи моддалар: консервант - 8-гидроксихинолин сульфат ёки 8-гидроксихинолин сульфат моногидрат, 8-гидроксихинолин сульфатга нисбатан ҳисобланганда 0,00001 г/мл ёки 0,001% суюқ фаг миқдорига нисбатан (ҳисобланган миқдор) ва тозаланган сув.

Таърифи: оч сарикдан - оч жигарранггача бўлган тиниқ суюқлик, яшилсимон рангга йўл қўйилади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Бошқа препаратлар. Бошқа даволовчи воситалар

Код АТХ: V03A

Фармакологик хусусиятлари

ПОЛИВАЛЕНТ ФАГЭКО бактериофаги - меъда-ичак йўли касалликлари этиологиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган *S. typhimurium; S. newport; S. enteritidis; S. moscow; S. paratyphi B; S. agama; S. java; Sh. flexneri* сероваров I, II, III, VI; *Sh. sonnei; Sh. boydii; Enterococcus faecalis, Proteus mirabilis; Staphylococcus aureus; Pseudomonas aeruginosa* ва *Escherichia coli* бактерияларининг турли хил серогуруҳларига нисбатан ўзига хос бактерицид таъсирга эга бўлган дори воситаси. Фаг заррачалари сезгир бактерияларнинг мембранасига ёпишади, хужайра ичига киради ва унинг ресурслари ҳисобига кўпаяди. Бунинг оқибатида хужайра нобуд бўлади ва бошқа сезгир бактериал хужайраларни зарарлаш қобилятига эга етилган вирулент фаг қисмларини ажралиб чиқиши кузатилади. ПОЛИВАЛЕНТ ФАГЭКО бактериофаги бошқа бактерияларга таъсир қилмайди, хусусан табиий микрофлорани бузмайди.

Қўлланилиши

Препарат барча ёшдаги ва юкори хавfli гуруҳларда *S. typhimurium; S. newport; S. enteritidis; S. moscow; S. paratyphi B; S. agama; S. java; Sh. flexneri* сероваров I, II, III, VI; *Sh. sonnei; Sh. boydii; Enterococcus faecalis, Proteus mirabilis; Staphylococcus aureus; Pseudomonas aeruginosa* ва *Escherichia coli*нинг турли серогуруҳ бактериялари келтириб чиқарадиган бактериал ичак касалликларини даволаш ва олдини олиш учун қўлланилади.

Қуйидагиларни даволаш:

- сальмонеллёз;
- бактериал дизентерия;
- ўткир диарея;

- диспепсия;
- дисбактериоз;
- ичакни таъсирланиш синдроми (ТИС);
- инфекцион характердаги: гастрит, гастроэнтерит, гастроэнтероколит, энтерит, энтероколит ва колит;
- ўткир ичак инфекцияси ташхиси бўлган ҳамма ёш гуруҳи ва юқори хавф гуруҳлардаги беморларни даволаш;
- реконвалесцентларни (бактерия ташувчанлик) санация қилиш;
- меъда-ичак инфекциясини профилактика қилиш учун қўлланилади.

ПОЛИВАЛЕНТ ФАГЭКО бактериофаги, касалликни мавсумий кўпайиш даврида – мактабгача тарбия муассасаларидаги ёш болалар ва уларни тарбиячиларига, мактаб ўқувчилари ва ёзги оромгоҳларда дам олувчиларга профилактика мақсадида қўлланилади. Қўллашнинг самарали дастури – ҳар куни ёшга қараб бир марталик даволаш миқдори қабул қилиш керак (даволаш мақсадидаги дастур асосида). Қабул қилиш давомийлиги эпид ахволга боғлиқ.

Қўллаш усули ва дозалари

Самарали фаготерапиянинг муҳим шarti, дастлаб касаллик кўзгатувчисининг шу фагга сезувчанлигини аниқлаш (бемордан ажратиб олинган штаммларнинг препаратга сезувчанлигини аниқлаш) ҳисобланади. Касалликни бошланғич даврида фагни қўллаш, юқори самара беради. Препарат ичга қабул қилиш ва ректал юбориш учун мўлжалланган. Даволаш учун препарат овқатдан 1 соат олдин, кунига 3 маҳал қабул қилинади, давомийлиги касалликни биринчи кунидан бошлаб 7-10 кун. Суст намоён бўлган колит синдроми билан характерланадиган меъда-ичак йўли касалликларида ва касалликни тузалиш даврида, фагни ёшга боғлиқ ичга қабул қилиш миқдорини икки марта ошириш, ичак бўшалганидан сўнг, ректал ҳукна кўринишида фагни ёшга кўра белгиланган бир марталик миқдорини юбориш билан бирга қўшиб қўллаш тавсия этилади.

Препаратнинг тавсия қилинадиган дозалари:

	Ёши	Per os (оғиз орқали)	Per rectum (ректал-ҳукна)
1.	6 ойликгача	5 мл дан кунига 2-3 марта, 7-10 кун давомида	10 мл дан кунига бир марта, 7-10 кун давомида
2.	6 ойликдан 12 ойликгача	10-15 мл дан кунига 2-3 марта, 7-10 кун давомида	20 мл дан кунига бир марта, 7-10 кун давомида
3.	1 ёшдан 3 ёшгача	15-20 мл дан кунига 2-3 марта, 7-10 кун давомида	20-30 мл дан кунига бир марта, 7-10 кун давомида
4.	3 ёшдан 8 ёшгача	20-30 мл дан кунига 2-3 марта, 7-10 кун давомида	30-40 мл дан кунига бир марта, 7-10 кун давомида
5	8 ёшдан катталар	30-40 мл дан кунига 2-3 марта, 7-10 кун давомида	50-60 мл дан кунига бир марта, 7-10 кун давомида

Ножўя таъсирлари

Препарат заҳарли эмас. Бирон-бир ножўя таъсири аниқланмаган. Жуда камдан-кам ҳолларда, оғиз орқали қабул қилинганда, препаратни беришни тўхтатиш шарт бўлмаган, енгил, қисқа муддатли рефлексли кўнгил айниш ҳолати кузатилиши мумкин. Препарат

таркибида соя оксиллари колдиклари бўлиши мумкин, ўта сезувчан беморларда аллергия реакциялар бўлиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратни бирон-бир компонентига ўта юқори сезувчанлик бўлганда.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Препаратни ҳар қандай гуруҳдаги дори воситалари билан бирга қўллаш мумкин.

Махсус кўрсатмалар

- бактериофаг билан даволашни иложи борича эрта бошлаш керак. Препаратни қўллашдан олдин чайқатиш керак.

- ПРЕПАРАТ ХИРАЛАШГАНДА ҚЎЛЛАНИЛМАСИН!

- агар бактериофагни қўллашдан олдин ярага ишлов бериш учун кимёвий антисептиклар ишлатилган бўлса, у ҳолда ярани 0,9% ли натрий хлориднинг стерил эритмаси билан яхшилаб ювиш керак;

- препарат атроф - муҳитдаги бактериялар ривожланиши мумкин бўлган озука муҳитини сақлайди. Шу сабабли, флакон очилганда, препарат олинганда ва сақланганда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

- қўлларни яхшилаб ювиш керак;

- флакон қалпоқчасини очишдан олдин уни спирт эритмаси билан ишлов бериш керак;

- қалпоқчани тикинни олмасдан очиш керак;

- очилган флакондаги препаратни стерил шприц ёрдамида (тикинни тешиш орқали) олиш керак;

- агар флаконни очишда қалпоқча билан бирга тикин ҳам чиққан бўлса, флаконни очик қолдириш мумкин эмас;

- очилган флаконни совутгичда сақлаш керак. Очилган флаконни препаратни сақлаш ва очиш қоидаларига риоя қилинганда, сақлаш жараёнида хиралашмаган бўлса яроқлилик муддати давомида ишлатиш мумкин;

- кекса ёшдаги беморларга кунлик миқдорни ўзгартириш талаб этилмайди.

Ҳомиладорлик ва лактация даври

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида, инфекцияни келтириб чиқарган бактериялар ушбу препаратга сезгир бўлганда қўллаш мумкин (шифокор тавсиясига кўра).

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Таърифланмаган.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб юборилиши тўғрисида маълумотлар таърифланмаган.

Чиқарилиш шакли

5 та 10 мл, 4 та 20 мл ва 1 та 100 мл дан флаконларда, давлат ва рус тилларидаги тиббиётда қўллаш буйича йуриқномаси билан қартон қутига жойланган.

Сақлаш шароити

Қурук, қуёш нурларидан ҳимояланган жойда, +2°C дан +10°C гача бўлган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

2 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи/Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотни номи ва манзили:

“AZIYA IMMUNOPREPARAT” МЧЖ,

100206, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Юнусобод тумани, 17-мавзе, Кадрдон МФЙ, 4Д-уй. Телефон: +99895 170-46-16. Е-почта: info@mediphag.uz